O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 4 апрель, № 65 (4218) Чоршанба

Ўзбекистон — Болгария:
ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 апрель куни Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Болгария Республикаси Минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг энергетика, банк-молия, транспорт, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, озиқ-овқат каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, қўшма комиссия ҳамраиси Элёр Ғаниев Болгария Республикаси мамлакатимизнинг Европадаги муҳим ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида қайд этди.

Болгария делегацияси раҳбари – ушбу давлатнинг минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазири, қўшма комиссия ҳамраиси Асен Гагаузов мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳам икки мамлакатнинг имкониятлари катта. Лекин улардан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,13 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Болгарияга асосан пахта толаси, калава, рангли металл, механик ускуналар, ноорганик кимё, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни экспорт қилади. Болгариядан эса дори-дармон, пластмасса, эфир мойи, қандолат маҳсулотлари, атторлик буюмлари импорт қилинади.

Ўзбекистонда болгариялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Болгариянинг олти компанияси ўз ваколатхонасини очган. Болгарияда эса йигирмага яқин Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Икки мамлакатнинг ўзаро муносабатлари ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган ўттизга яқин ҳужжатга асосланади. Улар орасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир битимлар бор.

Қўшма комиссия мажлисида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди, истиқболли соҳалар белгилаб олинди. Қўшма корхоналарни ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Икки томон учун ҳам манфаатли бўлган қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

АСОСИЙ МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА

Балиқчи туманига йўлингиз тушса, Чинобод қишлоғига, албатта, кириб ўтинг. Чинободликлар сизни, энг аввало, «Алишер Навоий» ип-йигирув ва тўқув ҳиссадорлик жамиятига олиб бориши ҳамда бу корхонанинг муваффақиятлари ҳақида соатлаб сўзлаб бериши, шубҳасиз. Чунки улар ўн ёшли бу корхона билан ҳақли равишда фахрланишади.

Ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти дастлаб корхонани Германия ва Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозлади. Бу йилига мавжуд маҳсулот миқдорига қўшимча 3500 тонна калава ип ишлаб чиқариш имконини берди. Қолаверса, маҳсулот экспорти миқдори ҳам анча ортди. Айни пайтда корхона маҳсулотлари АҚШ, Бельгия, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Латвия, Италия, Чехия каби ўнлаб мамлакатларга жўнатилмоқда.

СУРАТДА: корхона тайёрлов цехи ишчиси Гулноза Маҳмудова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Мамлакатимизда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ғамхўрлик кўрсатиш, соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

МАРОҚЛИ МУЛОҚОТЛАР

Миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш ҳамда янада ривожлантириш, ёш авлод қалбига она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш маънавият соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсадларидандир.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Бу жараёнда жамоат ташкилотларининг ўрни янада ошмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 25 августда эълон қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 23 январда қабул қилинган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари бу борада дастуриламал бўлмоқда.

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган ижодий гуруҳ — шоир, ёзувчи, бахши, хонандаю созандаларнинг Қашқадарё вилоятидаги Чироқчи, Сурхондарё вилоятидаги Шеробод туманлари қишлоқлари аҳолиси — фермерлар, коллеж, лицей ва мактаблар ўқувчилари, ўқитувчилари, шифокорлар ва нафақахўрлар билан ўтказган учрашувларида шу ҳақда сўз юритилди.

Номлари қайд этилган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг ижроси юзасидан жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида батафсил маълумотлар берилди. Мушоиралар концерт дастурларига уланиб кетди.

Учрашувларда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси А.Каримов, Ўзбекистон Халқ бахшиси Ш.Тоғаев, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси З.Аҳмедова ва бошқалар мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш, аҳолининг алоҳида эътибор ва ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган хайрли ишлар кўлами кун сайин кенгайиб, ўзининг ижобий самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Ж. КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

«ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ» ПОЕЗДИ — ФАРҒОНАДА

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Халқ ижодиёти» поезди Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйлаб ижодий сафарда бўлди.

— Халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари, санъати ва маданияти, бетакрор оғзаки ижоди бебаҳо бойлигимиздир, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Тўлқинжон Собиров. — Бу улкан меросни чуқур ўрганиш, авайлаб-асраш, кенг тарғиб қилиш ҳамда келажак авлодларга етказишда бундай тадбирлар катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган қатор фольклор-этнографик ансамбллар вакиллари ҳамда турли кўрик-танловлар ғолибларидан иборат бўлган ижодий гуруҳ Марғилон шаҳрида бўлди.

Ўзининг 2000 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўраётган мазкур шаҳарда кечган учрашувлар кўтаринки руҳда ўтди. Тадбирда ижро этилган куй-қўшиқлар, халқ лапар ва яллалари, дилрабо рақслар барчага хуш кайфият бағишлади. "Халқ ижодиёти" поезди гуруҳи аъзолари юбилей муносабати билан Марғилонда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Фарғона, Олтиариқ, Тошлоқ, Ёзёвон туманларида бўлиб ўтган учрашувлар ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ФЕСТИВАЛИ

Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг Тўрткўл тумани бўлимлари ҳамкорликда "Миллий ўйинлар фестивали"-ни ўтказди.

Ота-боболардан мерос миллий урф-одат ва қадриятларимиз, шу жумладан, халқ ўйинларини қайта тиклаш, ёшлар орасида уларни кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилган мазкур фестивалда тумандаги барча маҳаллалардан болалар жамоалари иштирок этди. Улар "Оқ теракми, кўк терак", "Бештош", "Чиллик", "Катак", "Қачарман тўп", миллий кураш, варрак учириш сингари миллий ўйинлар бўйича куч синашдилар.

Фестиваль якунида энг яхши натижаларни қўлга киритган "Янгиобод" ва Ибн Сино маҳаллаларининг жамоалари ғолиб деб топилди.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НАВОИЙ ДАҲОСИ

АҚШда ўтказилган халқаро анжуманнинг бош мавзусига айланди

Дунёнинг энг йирик маданий-маърифий ва илмий-тадқиқот марказларидан бири — АҚШ Конгресси кутубхонасида «Алишер Навоий ва унинг Марказий Осиё халқлари маданий тараққиётига таъсири» мавзуига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Тадбир мазкур кутубхона ҳамда мамлакатимизнинг Америкадаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

АҚШнинг академик, сиёсат ва эксперт-таҳлилчи доираларида катта қизиқиш уйғотган ушбу анжуман ишида Американинг турли университет ва тадқиқот марказлари, дипломатия корпуси, Конгресс, Давлат департаменти ва бошқа расмий идоралари, ижтимоий-маданий ташкилотларининг юздан ортиқ вакили иштирок этди.

Йиғилганларни қутлар экан, Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчиси Абдулазиз Комилов буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси ўзбек халқининг улкан маданий мероси эканини таъкидлади. Элчи Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан Президент Ислом Каримов Навоий ҳамда ўзбек халқининг бошқа буюк аждодлари, мутафаккирлари яратган ноёб меросни асраб-авайлаш ва ўрганишга катта эътибор қаратаётганини алоҳида қайд этди.

Симпозиумда Алишер Навоий ижоди билан бир қаторда Марказий Осиё халқларининг тарихий ва маданий-цивилизация мероси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишга ихтисослашган АҚШ, Европа мамлакатлари ҳамда Ўзбекистон олимларининг қатор маърузалари тингланди. Уларда, жумладан, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг Шарқ адабиёти ривожига беқиёс ҳисса қўшгани, унинг номи Гомер ва Данте, Рўдакий ва Фирдавсий, Низомий ва Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Бальзак, Пушкин ва Толстой каби жаҳон адабиёти дарғалари қаторидан муносиб жой

(Давоми 6-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ

— Ўзбекистон нафақат Франция, балки бутун Европада катта қизиқиш уйғотаётган Марказий Осиёнинг етакчи давлати экани сир эмас. Бу ўлка турли маданият ва цивилизациялар туташган, қадимий ва бой тарихга эга бўлган мамлакатдир. Кўпчилик Ғарб давлатлари, жумладан, Франция ҳам жамиятда инсонийлик, бағрикенглик, турли дин ва миллатлар вакиллари ўртасидаги тинч-тотувликни таъминлаш борасида ўзбеклардан ўрнак олса арзийди.

Эймери де МОНТЕСКЬЮ,
Франция Сенатининг молия ва бюджет масалалари комиссияси раисининг ўринбосари, сенатор.

Бола бошдан...

Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Косон туманларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси ҳомийлигидаги «Оилавий таълим» дастури амалга оширила бошлади.

Дастурнинг бош мақсади болани туғилган кунидан бошлаб олти ёшга тўлгунча парвариш қилиш, ақлий ва жисмоний ривожлантириш, ота-оналар, оила аъзолари ва жамоатчиликнинг бу соҳадаги билими, кўникмаси, ўзаро шаҳсий муносабатларини такомиллаштиришдан иборатдир. Вилоят марказида лойиҳанинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, муаммонинг ечими билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини уйғунлаштиришга бағишланган кенгаш бўлди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Инобат Каримова вилоятда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили ўринбосари Андро Шилакадзе обрўли халқаро ташкилотнинг маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик тизимлари билан ҳамкорлиги ҳақида ахборот берди. «Оилавий таълим» лойиҳасини жорий этиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи тузилди.

Ҳозирча Қарши ва Косон туманларида бошланган «Оилавий таълим» дастурига кейинчалик бошқа туманларни ҳам жалб этиш кўзда тутилган.

Б. НОРҚОБИЛОВ.

Фермер иш ўрни яратди

Бундан тўрт йил аввал 11 киши билан иш бошлаган Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги аъзолари ҳозир 135 нафарга етди.

Экин майдонларини кўпайтириш ҳисобига эмас, цехлар, мини заводлар қуриш эвазига шундай натижага эришилди. Бичиш-тикиш, эшик-ром тайёрлаш, полиэтилен қувур, плёнка ишлаб чиқаришни йўлга қўйган хўжаликни бугун кўп тармоқли ва мўл рентабелли мажмуага ўхшатса бўлади.

Шу тумандаги «Бекхон ўғли», Деновдаги «Лочин», «Баҳриддин», Қумқўрғондаги «Эргаш бобо Жума ўғли», Қизирикдаги «Омад» фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам бугунги кунда пахта-ғалла режасини бажаришга ҳаракат қилиш баробарида ўзларига иш сўраб келаётганларнинг раъйини қайтармасликни ўйламоқдалар.

О. УСАНОВ.

МОВАРОУННАҲРНИНГ МАНГУ МЎЪЖИЗАСИ

Ер юзининг сайқали, Шарқнинг дурдонаси дейилса, кўз ўнгимизда кўҳна Самарқанд гавдаланади. Бу замин азал-азалдан илм-маърифатда беназир алломалари билан ҳамда маданият ўчоғи сифатида доврўғ қозонган. Шунинг учун бўлса керак, дунёнинг мана-ман деган мамлакатларида қадимий тамаддун бешиги ҳақида гап кетганда, энг аввало, Самарқандни тилга олишади, бу замин ҳақида тўлқинланиб, ҳавас ила гапиришади. Ҳар бир гўшасида ётган азиз-авлиёлари, муқаддас қадамжолари борасида қизғин баҳслар юритишади. Дунёнинг етти мўъжизаларидан саналмиш Миср эҳромлари, Бобил миноралари кўришга ошуфта киши борки, унинг қалбида, албатта, Самарқандни ҳам бир бора зиёрат қилиш истаги мужассам.

Истиқлол йилларида қадимий шаҳар қайтадан кўз очди. Президентимиз ташаббуси билан Самарқанд шаҳрининг тарихий шуҳрати тикланди. Хароб бўлган қадамжолар гавжум зиёратгоҳга айлантирилди. Шаҳарнинг ҳуснига яраша-май турган пастқам кўчалар ўрнини кенг йўллар эгаллади, файзли маҳаллалар қад ростлади. Давлатимиз раҳбари имзолаган "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарор эса кўҳна шаҳарни ободонлаштириш борасидаги хайрли ишларга янги саҳифа очди.

— Мутахассисларнинг узоқ йиллардан бери амалга ошираётган қазишмалари, чиндан ҳам, Самарқанд Римнинг тенгдоши

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Хорижга йўл

Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road Hotel» меҳмонхонасида «Хорижда таҳсил олиш-2007» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазма «Global Study» компанияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистондаги «British Council» тил ўргатиш маркази кўмагида ташкил этилди.

Бу кўргазма хорижий тилларни ўрганиш, чет эл олий ўқув юртларида таҳсил олиш ёки нуфузли компанияларда ишлашни мақсад қилган кишиларда катта қизиқиш уйғотди. Илк бор ўтказилган «Хорижда таҳсил олиш-2007» кўргазмасида Лондондаги EF Халқаро мактаби, MLS Халқаро коллежи, Праганинг Карлов коллежи сингари чет эллардаги кўплаб олий ўқув юртлари фаол иштирок этди.

Ўз навбатида, кўргазма иштирокчиларининг чет эл олий ўқув юртлари вакиллари билан мулоқотлари ташкил қилинди. Хорижда таҳсил олиш учун қайси ташкилотларга мурожаат қилиш мумкинлиги ҳамда бу борада адашмаслик, чалғиб қолмаслик учун қандай йўл тутиш мумкинлиги ҳақида Ўзбекистон Таълим агентликлари ассоциацияси вакиллари тушунтириш бердилар.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Асл пахта»нинг саховати

Пахтакор туманидаги «Асл пахта» фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб бораяпти. Бугунги кунда хўжаликда 50 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир.

Фермер хўжалигида олинаётган даромад ҳисобидан етим-есирларни, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш одатга айланган. Ҳозирга қадар уларнинг ёрдами билан 17 та оила сигирли бўлди.

Яқинда фермер хўжалиги раиси Муҳаммад Сувонқулов ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 10 та оилани қорамол билан таъминлашга, ғалла ўрим-йиғими даврида соғин сигирлари бўлган барча оилаларга чорва озуқаси тарқатишга қарор қилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шифохонага «Билайн»нинг «Тез ёрдами»

Қарши шаҳрида «Unitel» масъулияти чекланган жамиятининг савдо ва хизмат кўрсатиш офиси очилди.

«Unitel» «Вымпелком» очиқ акциядорлик жамияти таркибига қўшилиб, «Билайн» савдо белгиси билан хизмат кўрсатаётганлиги туфайли унинг мижозлари тобора кўпаймоқда. Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида қарийб 50 минг киши мазкур компания хизматидан фойдаланаётир.

Тақдимот маросимида Қарши шаҳар марказий шифохонасига «Дамас» русумли «Тез ёрдам» машинаси совға қилинди.

Н. БЎРИЕВ.

Кўркам кошоналар

Асаканинг «Чўнтак» дам олиш гўшаси қанчалар машҳур бўлмасин, унинг атрофидаги пастқам, кўримсиз бинолар, файзи бирмунча кетиб қолган хиёбонлар ўша довруққа, бироз бўлса-да, соя ташлаб турарди.

Ўлкамизга кириб келган баҳор «Чўнтак» чиройини бирдан очиб юборди. Гап шундаки, бу ерда «Пахтабанк»нинг туман бўлими учун муҳташам бино тикланди. Айни пайтда бу кошона билан ёнма-ён аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам қуриб битказилди.

Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғида бўлса, бирваракайига учта янги иншоот ўз мижозларига эшикларини очди. Қишлоқ ўзининг шинам ошхонасига, маиший хизмат уйига, дўконига эга бўлди.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эгизак қувонч

Хоразм вилояти Урганч тумани Юқори Дўрмон қишлоғида истиқомат қилаётган Олламовлар ҳамда Хива тумани Ал-Хоразмий қишлоғида яшовчи Бобожоновлар хонадонида қувончли воқеа рўй берди.

Ҳар иккала хонадонда бир йўла уч чақалоқ дунёга келди. Иккала оила ҳам бир нафар қўчқордек ўғиллик, икки нафар қўғирчоқдек қизлик бўлишди.

Вилоят туғруқхонаси бош ишфокори Омонгалди Машариповнинг таъкидлашича, жажжи кичкинтойларнинг ҳам, уларнинг оналари Раъноҳон ва Қувончларнинг ҳам соғлиғи яхши.

Ўз мухбиримиз.

Ўтган ҳафтанинг охирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мажлисда юқори палата аъзолари мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир қонунларни кўриб чиқиб, маъқулладилар ва бошқа қатор масалаларни муҳокама этишди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган қонунлар, мамлакатимиз раҳбари имзолаганидан сўнг кучга киради ва давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнининг янада чуқурлашиши, жамиятнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқий муносабатлар тиниқлашувига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидаги ҳуқуқий асосларини кенгайтиради.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Нигоҳ

Масалан, кенг омма манфаатларига дахлдор бўлган «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳажжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни олайлик. Ушбу қонун кучга кириши билан ипотека соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар янада такомиллашади ва ҳамюртларимизга уй-жой олиш учун узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар берилишининг кўлами кенгайишига имкон яратилади.

Умуман олганда, сенаторлар томонидан муҳокама этилган ва маъқулланган қонунлар тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш, оилани мустаҳкамлаш, транспортдан фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини ошириш ва бошқа соҳалардаги муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган.

Сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар орасида «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуннинг долзарблигига алоҳида эътибор қаратдилар. Ушбу қонун Президентимизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастури тўғрисида»ги Қарори асосида қабул қилинганлиги билан ҳам долзарбдир. Бу ҳуқуқий ҳужжат ҳақида гапирганда, унинг халқимиз менталитетига ҳамоҳанглиги, миллийлигимизга хос бўлган — бағрикенглик, меҳр-мурувват, ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш каби қадриятлари билан уйғунлигини айтиш лозимдир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда ҳомийлик фаолиятини янги босқичга кўтаришга имкон яратиши, шубҳасиздир.

Ялпи мажлисда муҳокама этилган ва маъқулланган ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси муҳим, албатта. Лекин ўзбекистонлик ва хорижлик обрўли олимлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, жамоат арбобларининг фикрича, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг қабул қилиниши давлатимизнинг босқичма-босқич ривожида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ҳақида гапирганда, албатта, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ривожининг қонунчилик базасини шакллантиришда ўзбек моделининг аҳамияти ҳақида алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бошқа масалалар каби, унда ҳам босқичма-босқичлик ва изчиллик тамойиллари ёрқин ифода этилган. Бунда, халқимизнинг чопиқ қилинмаган ерга чигит қадалмайди, ҳамма нарсанинг ўз навбати бор, деган қадимги нақлини ёдга олиш ўринлидир. Шунинг учун, мамлакатимизда бошқа айрим давлатлардан фарқли равишда, халқимиз менталитетига зид бўлган шиорлар билан вазиятни беқарорлаштиришга интилаётган, аслида эса ўз манфаатларинигина кўзлайдиган ўнлаб умри бир кунлик партиялар ташкил этилмайди. Босқичма-босқич ва изчил ривожланаётган жамиятимизга бундай беқарорликлар керак эмас.

Мамлакатимизнинг янги тарихига бирров назар соладиган бўлсак, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг барпо этилиши, ҳокимият бўлиниши тамойилининг таркиб топиши масалалари босқичма-босқич амалга оширилганини кўрамиз. Жумладан, қонун устуворлиги таркиб топди, уларни умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш тажрибаси ҳаётга татбиқ этилди, кўппартиявийлик ва янги демократик сайлов тизими шакланди, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши амалга оширилмоқда. Даставвал янги бир палатали парламент ташкил этилди, унинг иш тажрибасидан келиб чиқиб ва янгича талаб ҳамда имкониятлар туғилганлиги боис, шунингдек, чет мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда парламент ислоҳоти ўтказилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали тизимда ишлай бошлади.

Парламент тизимида, маъмурий ва ҳарбий соҳаларда ислоҳотлар ўтказилиши, иқтисодий юксалишнинг қатъийлиги, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, шунингдек, бошқа қатор стратегик вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш учун тўла имконият яратди. Бугун Ўзбекистон ўз иқтисодий имкониятлари, келажак сари ишонч билан бораётган кўпмиллатли халқи, мамлакат раҳбариятининг демократик тамойиллар билан суғорилган қатъий сиёсий йўли туфайли жаҳон ҳамжамияти сафларида ўз обрўйи ва нуфузига эга.

Мамлакатимизнинг бунёдкорлик йўли давом этмоқда. Демократик янгиланишларнинг бу муҳим эволюцион жараёнларнинг янги босқичида, табиийки, мамлакатимиз Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси билан ўтган йили ноябрь ойида қуйи палатага киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни турибди. Унинг Олий Мажлис қуйи палатасида қабул қилиниши ва юқори палатаси томонидан маъқулланиши демократик ислоҳотлар ривожи йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Биз юқорида номини тилга олган қонун сиёсий партия ва ҳаракатларнинг ҳокимият вакиллик ва ижроия органларини шакллантиришда фаол қатнашиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароит яратади. Сиёсий партиялар Конституциявий қонун кучга кириши билан янада тараққий топади. Табиийки, партияларнинг фаолият қамрови кенгайган сайин масъулияти ҳам ошиб боради.

Умуман, Конституциявий қонуннинг келажакда ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатда амалга оширилаётган барча ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳатларга куч-қувват бағишлайди, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташлаётган одимларимизни янада жадаллаштиради.

Сиёсий партияларнинг мамлакатни модернизациялаш ҳамда давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва янгилашдаги ролини кучайтириш вазифасининг айни ҳозирги пайтда ҳаётга татбиқ этилиши жуда асослидир. Чунки мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар етарли тажриба тўплашди, аҳолининг сиёсий онги ўсиб, фаоллиги ошиб бормоқда. Энди буёғи сиёсий партияларнинг ўзларига боғлиқ. Уларнинг жамиятимиз ривожи учун муҳим бўлган ислоҳотлар жараёнидаги роли қанчалик самарали бўлишини вақт кўрсатади.

П. ДОНИЁРОВ.

МОВАРОУННАҲРНИНГ МАНГУ МЎЪЖИЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

эканлигини тасдиқлайди, — дейди археолог олим Темур Ширинов. — Кўплаб топилмалар, аждодлар мероси бу жойнинг шаҳар сифатида шаклланганига 2750 йил бўлганини кўрсатади. Олиб борилаётган кузатувлар натижасида шаҳарнинг қадимий ҳаётига доир кўплаб ашёларни топишга муваффақ бўлдик. Ҳар бир буюм, ҳар бир аслаҳа мозийдан гувоҳлик берувчи бебаҳо манбадир. Шунинг учун Президентимиз Самарқандниг 2750 йиллигини нишонлаш асносида унинг тарихий аҳамиятини чуқурроқ ўрганиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратаяптилар.

Тўғри, ер юзида ўзига хос жиҳатлари, тарихий, замонавий ютуқлари билан ном қозонган шаҳарлар кўп. Аммо асрлар оша назар ташлаганда, Самарқандниг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий аҳамияти беқиёс. Шарқда ислом дини топталган пайтда ҳам, маърифатга путур етган даврларда ҳам Самарқандда маърифат нури асло сўнгани йўқ. Ҳазрати Амир Темур қадим Кешда камол топиб, Самарқандни пойтахт тутганида, айниқса, унинг довруғига довруғ қўшилди. Ғарб мамлакатлари вакиллари бу юртнинг нуфузи олдида бош эгдилар. Мирзо Улуғбек ва унинг муносиб издошлари яратган кашфиётлар ҳали-ҳануз жаҳон илм аҳлини лол қолдирмоқда. Бундан ташқари, бу ерда машҳур муҳаддислар, олиму уламолар, шоирлар яшаб ўтишганки, уларни номма-ном санаш учун ҳам анча вақт керак. Шундай улуғ зотлардан бири Қусам ибн Аббосдир.

Шоҳи Зинда номи билан машҳур бўлган ул зот пайғамбаримизнинг амакиваччалари эканлиги барчамизга маълум. Ҳазрати Қусам ибн Аббос ўз даврининг машҳур воизи сифатида ҳам катта нуфузга эга бўлган. Можарога айланган муаммолар, низога сабаб бўлган зиддиятлар ул зотнинг аралашуви билан ижобий ҳал этилган. Бу инсоннинг сўнгги манзиллари Самарқандда эканлиги эса шаҳарнинг шавкати бежиз эмаслигига яна бир далилдир. Афсуски, истибдод даврида таърифи тилларда достон бўлишига қарамай, бу масканнинг асл кўриниши ўта хароб бўлган эди. Шу атрофда яшовчи кексаларнинг айтишича, яқин-яқингача шундай улуғ зиёратгоҳ оёқ ости бўлиб ётган.

Шукрки, истиқлол шарофати ила бундай беписандликлар барҳам топди. Юртбошимизнинг Шоҳи Зинда зиёратгоҳини ободонлаштиришга доир қарорига мувофиқ бу ердаги вазият кескин ўзгарди. Зиёратгоҳни тўсиб қўйган иморатлар бутунлай олиб ташланди. Хонақоҳ мақбаралари, йўлакларига қайта жило берилди. Бибихоним мадрасаси ва Шоҳи Зинда оралиғида бажарилган ишлар эндиликсиқа фестивалини албатта тилга олиб ўтиш жоиз. Бу нуфузли анжуманнинг аҳамияти хусусида ҳар қанча гапирсак кам. Мусиқа байрамининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, бунда ҳар бир юртдошимиз Ватанга муҳаббат туйғусини яна бир карра юракдан англайди. Меҳмонлар билан суҳбатлашганда ҳам, кўҳна заминда янграётган қардош тилдаги қўшиқларни эшитганда ҳам ВАТАН деган қутлуғ калом мадҳ этилаётганлигини дил-дилдан тушуниб етади.

— Кўпчилик "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг нима учун айнан Регистон майдонида ўтказилишига қизиқади, — дейди Ўзбекистон халқ ардаражада чиройли акс-садо берадики, буни энг замонавий мусиқа асбобида ҳам чиқариш мумкин эмас. Дуо кетган, деганлари шу бўлса керак.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети магистри Мавлон Бобохонов ҳикоя қилади:

— Шаҳримизда Президентимиз асос солган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ҳар гал интиқлик билан кутаман. Негаки, чет эллардан келадиган санъаткорлар, меҳмонлар билан суҳбатлашсангиз, юрт ва тинчлик бебаҳо неъмат эканлигини англайсиз. Ушбу нуфузли санъат байрамининг ҳар бир куни мен учун ҳаяжонли кечади. Гоҳ бетакрор оҳанглар оғушидан сармаст бўлсам, гоҳ чет эллик-лар-нинг юртимизга муносабатидан таъсирланаман. Тинчлик ҳақида гапирдим. Айтинг, бундай байрамларимизни кўролмайдиганлар, ҳасад қиладиганлар оз деб ўйлайсизми? Тўғри, биз ундайларга бош эгмаймиз. Асрлар давомида шаклланган удумларимиз, санъатимиз орқали дунёга тинчлик деган сўзни тараннум этамиз. Бунга Президентимиз кенг йўл очиб бердилар. Ушбу йўл эзгулик манзилига элтиши муқаррар бўлгани учун ҳам дунёнинг энг машҳур санъаткорлари биз билан жўровоз бўлишга интиқ.

Ҳа, жаҳон санъат аҳли бу ерга тўпланиб фақат қўшиқ айтишмайди, балки бир-бирлари билан дийдорлашадилар, меҳрга, муҳаббатга талпинадилар. Дўстиноқ бўлиб, кўҳна Самарқандни тавоф этадилар. Айни шу аҳилликнинг таъсири юртдошларимиз қалбига ҳам юқмоқда ва барчанинг дилидан, тилидан Регистонда янграйдиган турли миллат вакиллари ашуласининг мисралари тушмайди. Эсимда, 2003 йилда бўлиб ўтган фестивалда афғонистонлик хонандалар Аҳмад Зойирнинг "Ман ба ту зор омадам" (Мен сен учун зор келдим) қўшиғини айтганда, қўшиқ байрамига йиғилган турли миллат вакиллари унга жўр бўлишганди.

2750 йиллик қутлуғ тўйга қизғин тайёргарлик кўрилаётган Самарқандда бугун кўтаринки шукуҳ ва хуш кайфият ҳукмрон. Бундай шодонлик бежиз эмас. Чунки бу шаҳар Ўзбекистонимиз ифтихори, Мовароуннаҳрнинг мангу мўъжизасидир. Унинг тўйи бизнинг ким эканлигимизни дунёга кўрсатадиган, ҳар қанча фахрланса арзийдиган тарихимиз борлигини исботлайдиган тантанадир. Зеро, Юртбошимиз Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида эътироф этганларидек: "Самарқандниг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб яшашга ундайди".

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



— Самарқанд тўйига тайёргарлик кўриш мамлакат раҳбариятининг доимий эътиборида турибди, — дейди вилоят тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати бошлиғи Майсара Набираева. — Йил бошида Самарқанд маданият ёдгорликлари илмий ишлаб-чиқариш бош бошқармаси минтақадаги яна олтита маданий мерос объектини республика аҳамиятидаги тарихий ёдгорликлар сифатида рўйхатга олди. Шу кунларда «Меъмор Шаҳло» масъулияти чекланган жамияти томонидан мазкур обидаларни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТДА: ташкилот раҳбари Майсара Набираева ва нозир Орзу Бердиев.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Хотира

Хоразм Маъмун академиясида йирик археолог ва этнограф, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ва Хоразм тарихини чуқур ўрганган машҳур тадқиқотчи олим С.П.Толстов таваллудининг юз йиллигига бағишланган «С.П.Толстов ва Хоразм цивилизацияси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унутмас мени боғим

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети, Хоразм Маъмун академияси, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Москва давлат университетининг Тошкент филиали, ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуманда таъкидланганидек, 1936 йили олимнинг ташаббуси билан Хоразм археология-этнография экспедицияси ташкил этилади. Экспедиция аъзолари Хива, Ҳазорасп, Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Аёзқалъа, Қирққиз ва бошқа қалъаларда археологик тадқиқотлар ўтказиб, жаҳон тарихида алоҳида аҳамият касб этган янгиликларни очишга муваффақ бўлишади. Бу тадқиқотлар Ғарбдаги Шарқ халқларининг ижтимоий ва маданий жиҳатдан қолоқлиги ҳақидаги ғайриилмий қарашларининг асоссиз эканлигини далиллар асосида исботлаб берди.

Жаҳон жамоатчилиги илк бор Ўзбекистон ва Хоразм цивилизацияси билан шу тариқа танишган. Олим ўзининг қимматли асарларида қадимда Хоразмда илм-фан ва маданият юксак даражада ривожланганлигини асослаб берди. Кўҳна Урганчда шакланган «Дорул ҳикма»ни Шарқнинг йирик илмий маркази — ўз даврининг фанлар академияси бўлганлигини, Ўзбекистон асрлар давомида Буюк Ипак йўли орқали Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Миср каби ўнлаб давлатлар халқлари билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатганлигини исбот этди.

● Анжуман иштирокчилари олимнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, кўп нусхада нашр этиш, унинг илмий меросини чуқур ўрганиш каби таклифларини билдирдилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲАМКОРЛИК СОҲАСИ – ТУРИЗМ

«Ўзбекистон — Ҳиндистон: туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш омили сифатида» — Тошкентда бўлиб ўтган икки мамлакат сайёҳлик компаниялари вакилларининг учрашуви мавзуси ана шундай. Учрашув Ҳиндистон туризм агентликлари ассоциацияси президенти Челла Прасад бошчилигидаги мазкур уюшма делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ўтказилди.

— Мамлакатимиз туризм борасида улкан салоҳиятга эга, — деб таъкидлади учрашувни очар экан «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси З.Ҳакимов. — Мустақиллик йилларида буюк аждодларимизнинг улкан маданий меросини тиклаш бўйича катта ишлар қилинди. Қадимий меъморий ёдгорликлар, ўзбек маданияти дурдоналари, бетакрор табиатимиз — буларнинг ҳаммаси бутун дунёдан минглаб сайёҳларни жалб қилмоқда. Мамлакатимиз туризм соҳаси режали равишда ривожланмоқда — янги йўналишлар ишлаб чиқилди, замонавий меҳмонхоналар қурилди, тармоқнинг инфратузилмаси кенгайтирилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси доирасида бундай фаолият янада кучайтирилди. Экологик туризм имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда.

Туризмнинг бу тармоғи энг даромадли бўлибгина қолмай, ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-экологик ривожланишини таъминлаш, маҳаллий аҳолининг бандлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга хизмат қилади. Яқинда Деҳлида «Экосан» ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси кўмагида ўтказилган «Экотуризм — тинчлик маданияти ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили» экофестивали доирасида бу борада икки мамлакат туроператорлари ўртасида яқин алоқа ўрнатилди.

— Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ва маданиятида умумий жиҳатлар кўп, — деб таъкидлади учрашувда Ҳиндистон туризм агентликлари ассоциацияси президенти Челла Прасад. — Икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ўзаро фойдали алоқалари кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Туризм соҳасидаги алоқаларнинг кенгайиши халқларимизнинг янада яқинлашишига хизмат қилади.

Учрашув натижаларига кўра, Ўзбекистон хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ва Ҳиндистон туризм агентликлари ассоциацияси икки мамлакат ўрасида Сайёҳлар алмашинуви бўйича ўзаро англашув меморандумини имзолади.

Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Лапар ва ўлан ижрочилари II анъанавий республика кўрик-танловининг Наманган вилоят босқичи якунланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказиб келинаётган мазкур танлов бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ўзбек халқ оғзаки ижодини янада чуқурроқ ўрганиш ва тарғиб этиш, қадимий халқ қўшиқларини излаб топиш, ўлан ва лапар йўналишида ижод қилаётган иқтидорли ёшларни кашф этиш ва рағбатлантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган ижрочилар ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари халқимизнинг бебаҳо маънавий мулки ҳисобланган ўлан, лапар ва термаларни айтиш бўйича куч синашди.

Танлов якунларига кўра, Наманган шаҳри, Косонсой ҳамда Чортоқ туманлари вакиллари ғолиб деб топилди.

И.РАЗЗОҚОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ

4-ГРАНТ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов доирасида гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал қилишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича қуйидаги соҳаларда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) қўллаб-қувватланади:

1. *ННТларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.*
2. *ННТларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан фуқаролик жамиятини ривожлантириш ишларида ҳамкорликларини кенгайтириш.*
3. *Қонун ҳужжатлари бажарилишини жамоатчилик асосида назорат қилишда ННТларнинг иштироки.*

Бериладиган грантлар миқдори:

- ўрта грантлар — 7 млн. сўмгача; - катта грантлар — 10 млн. сўмгача.

Танловда адлия органларида рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзоси бўлган ННТлар иштирок этиши мумкин.

Танлов ўтказиш шартлари билан Ўзбекистон нотижорат нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш фондида, шунингдек, **www.ngo.uz** расмий сайти орқали батафсил танишиш мумкин.

Республиканинг турли минтақаларидан бўлган танлов иштирокчиларига ҳужжатлар электрон почта орқали юборилиши мумкин.

Вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, ОАВ, маҳалла қўмиталари, давлат муассасалари, шунингдек, лойиҳа бўйича шерикларнинг тақдим этган қўллаб-қувватлаш хатлари эътиборга ва ҳисобга олинади.

Ҳужжатлар танлов ҳақидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Саволлар туғилган тақдирда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш фонди лойиҳаларини мувофиқлаштирувчиларига мурожаат қилиш мумкин.
Телефон: 133-18-54. E-mail:fundngo@rambler.ru

4739577

АЛДАНИБ ҚОЛГАН ЁМОН

Жорий йилнинг бошида «Халқ сўзи» газетасида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан 2007 йилдан бошлаб фуқароларимизни Корея Республикасига «Эркин ёллаш» тизими асосида ишга юборишга тайёргарлик кўрилаётганлиги ва корейс тили бўйича тест синовларини ўтказиш учун ташкилий ишлар амалга оширилаётганлиги ҳақида хабар берилган эди. Худди шу масала бўйича бошқа газеталарда ҳам чиқишлар қилинди. Шундан сўнг республикамизда чет элларга ишлашга бориш истагида бўлган фуқаролар сони яна ҳам ортди.

Афсуски, айрим ғаразли ниятдаги шахслар ушбу ҳолатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишаяпти. Агентликка келиб тушаётган маълумотларга қараганда, улар ўзларини Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг жойлардаги вакиллари ёки агентлик ходими деб таништириб, таъмагарлик қилишга уринмоқдалар. Бу кимсалар, ҳатто, четга ишга бормоқчи бўлганларни «рўйхатга» олиб, қандайдир маълумотлар базасига уларнинг фамилиясини киритаётган эмиш. Шунингдек, қўшимча харажат эвазига корейс тили тест синовидан ўтказиб қўйишга ваъда ҳам бераётганмиш.

Огоҳ бўлинг

Бундан ташқари, улар корейс тилидан тест синови ўтказиладиган кун аниқлигини, тестда қандай саволлар тушиши ва бу саволларнинг жавоблари ўзида борлигини таъкидлаб, фуқароларни чалғитишгача бориб етаяпти.

Ваҳоланки, агентликнинг жойларда бўлимлари ёки вакиллари йўқ. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича фақат агентликкагина мурожаат қилиш мумкин.

Айни пайтда мазкур идора томонидан фуқароларимизни Корея Республикасига ишга юбориш бўйича Корея томони талабига биноан корейс тили тест синовларини ўтказиш борасида ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларни рўйхатга олиш борасидаги ишлар эса ҳали бошланмаган. Кореяга ишлашга бориш истагида бўлган фуқароларни тест синовларида қатнашишлари учун рўйхатга олиш ишлари Корея Республикаси ваколатли ташкилотларининг ходимлари гувоҳлигида ва бевосита иштирокида ошкоралик тамойилларига таянган ҳолда амалга оширилади. Яъни оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларга олдиндан хабар қилинади.

Шунингдек, агентлик ва Кореянинг мутасадди ташкилоти ҳамкорлигида ўтказиладиган тест синовлари қайси куни ўтказилиши ҳозиргача маълум эмас. Корейс тилидан тест вариантлари Корея Республикасидан Ўзбекистонга ҳали олиб келинмаган. Бу саволлар олиб келингандан сўнг айнан тест куни фуқаролар гувоҳлигида муҳрланган конверт очилади. Тест жараёнида рўйхатга олинган номзодлардан ташқари, бегона шахслар хоналарга киритилмайди. Тест жараёни бевосита Корея томони вакилларининг назорати остида ўтказилиб, синовда бир-биридан кўчириш ва ҳатто бир-бири билан сўзлашиш ҳам тақиқланади. Ушбу қоидани бузган номзодлар тестдан чиқариб юборилади, тест варақалари бекор қилинади. Бу агентлик ва Корея ўртасида тест ўтказиш бўйича имзоланган шартноманинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Хорижий давлатларга ишга юбориш борасидаги турли товламачилик ва қонунбузарлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда чет элларда ишлаш истагини билдирган фуқароларга қонун доирасида ҳуқуқий маслаҳат бериш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ишонч телефонлари ташкил этилди. Шунинг учун Корея Республикасига ва умуман, чет элларга ишлашга бориш истагида бўлган фуқаролар бевосита ушбу ишонч қўнғироқларига мурожаат қилиб, масалага ойдинлик киритишлари мумкин.

Ишонч телефонлари рақамларини эслатиб ўтамиз: 132-27-88, 152-75-23.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ахборот хизмати.

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

ОЛИЙ ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛИ, ЭНЕРГЕТИКА ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА 5 ЙИЛ МЕҲНАТ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАН МУТАХАССИСНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 199-70-97.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ЖАҲОН 24 соат ичида

«Аэрофлот» Италиянинг «Алиталия» авиакомпанияси акцияларининг давлат пакетини сотиб олишга даъвогарлик қилмоқда. У бу ишни «Уникредит» банки билан биргаликда амалга оширишни режалаштираяпти. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабарига кўра, мазкур банкнинг Миландаги филиали раҳбари журналистларга бу ҳақда маълум қилган.

Акцияларни сотиш эвазига

Ҳозирда «Алиталия»нинг 49,9 фоиз акциялари давлатга тегишли. 25 фоизи «Air France-KLM»га ва қолган қисмига хусусий акциядорлар эгалик қилади. Сўнгги пайтларда мазкур авиакомпания молиявий инқирозни бошдан кечирмоқда. Ҳукумат компаниянинг акцияларини сотиш эвазига ушбу муаммони бартараф этмоқчи.



Келишувнинг ягона йўли

Эрон Миллий хавфсизлик олий кенгаши раҳбари Али Ларижоний расмий Лондонни Буюк британиялик 15 нафар ҳарбий денгизчининг қўлга олиниши билан боғлиқ юзага келган вазиятни дипломатик йўл билан ҳал қилишга чақирди. Денгизчиларнинг ўзлари Эрон сув ҳудудига кирганлигини тан олсалар-да, лекин Буюк Британия ҳукумати буни инкор этаяпти.

Эрон эса Лондондан расмий равишда кечирим сўрашни кутмоқда.

Ҳукумат истеъфога чиқди

Мамлакат бош вазири Андрус Ансипнинг ваколат муддати тугаганлиги туфайли Эстония ҳукумати истеъфога чиқди. 4 мартда янги парламент сайланган эди. Унинг истеъфосини парламент қабул қилди ҳамда Андрус Ансипга янги ҳукумат шакллантирилгунга қадар ўз вазифасини бажариб туриш юклатилди.

Тожикистон ва Покистонда ер қимирлади

Тожикистон ва Покистонда кеча эрталаб кучли ер силкиниши рўй берди. Душанбе сейсмологлари неча баллик зилзила содир бўлганини аниқлай олмади. Бироқ гувоҳларнинг сўзларига қараганда, ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 5-7 баллга етган бўлиши мумкин. Ваҳимадан кўплаб аҳоли ўз уйларини ташлаб чиқишган.



Покистондаги зилзила Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллни ташкил этди. Ер силкиниши Исломобод, Пешавор, Лаҳор шаҳарларида ҳам сезилди.

Ҳозирга қадар мазкур икки мамлакатдаги вайронагарчиликлар ва жабр кўрганлар ҳақида маълумот йўқ.

АҚШ Олий суди Гуантанамодаги бир неча маҳбусларнинг даъвоси федерал судларда кўриб чиқилишини рад этди.

Сўнгги илинж...

Маҳбуслар Гуантанамода судсиз ва ҳеч бир айблов эълон қилинмасдан узоқ муддат ушлаб турилишига норозилик билдиришиб, ушбу масала адлия органлари томонидан кўриб чиқилишини талаб қилишмоқда. Жорий йил февраль ойининг охирида мамлакат федерал аппеляция суди ҳам худди шундай қарор қабул қилганди.

Айни пайтда Кубадаги Америка ҳарбий базасида 385 нафар маҳбус сақланмоқда.

Осмонўпар Эйфель.

Перу раҳбарининг буйруғи

Перу Президенти Алан Гарсия мамлакат ҳарбий ҳаво кучларига Амазонка чангалзорларидаги наркотик модда тайёрлайдиган лабораторияларни бомбардимон қилишга буйруқ берди.

Дунёда кокаин ишлаб чиқариш бўйича Перу Колумбиядан сўнг иккинчи ўринда туради. Мамлакат Президентининг тахминларига кўра, захри қотил етиштирувчилар перулик исёнчиларни молиялаштираётган бўлиши мумкин.

Компания Осиёга «юриш» қилмоқчи

Дунёнинг етакчи корпорацияларидан бири «Citigroup» Тайваннинг «Bank of Overseas Chinese» банкини ва Токионинг брокерлик билан шуғулланувчи «Nikko Cordial Corp.» компанияларини қўлга киритишни режалаштирмоқда. Агар бу икки компания «Citigroup»га қўшиладиган бўлса, унинг таркибида яна 10 мингта иш ўринлари пайдо бўлади. Бироқ «Citigroup» акциядорлари харажатлар кўпайиб кетишидан хавотирланиб, бу режага қарши чиқишмоқда.

Украинадаги вазият

Украина Президенти Виктор Юшченко Олий Радани тарқатиб юбориш ҳамда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. У бундан мақсад мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш эканлигини таъкидлади.

Виктор Юшченко жорий йил 27 май куни Украина Олий Радасига сайловлар ўтказишни белгилади ва уни молиялаштириш тўғрисида ҳукуматга кўрсатма берди.



Душанба куни кечқурун мамлакат бош вазири иштирокида парламент аъзолари навбатдан ташқари йиғилиш ўтказишди. Унда президентнинг парламентни тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонини бажармаслик тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, давлат раҳбарининг ҳаракати ноқонуний деб баҳоланди. Депутатлар Олий Рада ва ҳукумат ўз ишини давом эттиришини билдиришди. Бундан ташқари, парламент аъзолари ҳукуматга янги сайловни молиялаштиришни тақиқлаб қўйди.

Аксарият депутатлар президентнинг ушбу қароридан норози бўлиб, Конституцион судга мурожаатнома жўнатишди. Унда беш кун ичида ушбу фармоннинг қонуний ёки ноқонунийлигини ўрганиб чиқиш сўралган.

Олий Раданинг ўтказилган фавқулодда йиғилиши мамлакат телевидениеси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Барча ҳукумат аъзоларига ўзининг хизмат лавозимини давом эттириши тўғрисида парламент қарори етказилди.

— Украина Вазирлар Маҳкамаси парламент қарорларини сўзсиз бажаришда давом этади, — дея интервью берди мамлакат адлия вазири Александр Лавринович.

Мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари Виктор Юшченкони қўллаб-қувватлашини маълум қилишди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Банк ва мижоз

Шу ойда Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганига беш йил тўлади. Хабарингиз бор, ушбу Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги қарори асосида мамлакатимизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилган. Биз Фонд ижроия директори ўринбосари Нодир АББОСОВ билан учрашиб, бир неча саволларга жавоб беришни илтимос қилдик.

сифатида омонатчига нисбатан қарши талаб қўйса, у қоплаш суммасини аниқлашда инобатга олинадими? Бу талаблар нималардан иборат бўлиши мумкин?

— Банкнинг омонатчига нисбатан қарши талаби асосан берилган кредитлар ва уларга ҳисобланадиган фоизлар ҳисобланади. Омонатчига тўланиши лозим бўлган омонатлар қолдиғи ана шу га ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олинган тақдирдагина пайдо бўлади. Шукурки, ўтган давр мобайнида республикамизда бундай ҳолат юз бермади. Бироқ Фондимиз маблағлари етарли, деб бемалол айта оламан. Чунки Қонунда Фонд маблағлари етмаган тақдирда, ҳукумат қарорига мувофиқ, унга фоизсиз кредит ажратиш кўзда тутилган.

КАФОЛАТЛАНГАН ОМОНАТ

фақат фойда келтиради

— Аввало, ўтган йиллар давомида орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, айтинг-чи, Қонунда кўзда тутилган мақсадларга эришилдими?

— Қонунни қабул қилишда асосан иккита мақсад кўзланган бўлиб, биринчиси — аҳолини банкларга бўлган талаб ва ҳуқуқларини қонун орқали ҳимоя қилиш бўлса, иккинчиси — аҳолининг банкларга ишончини ошириш, шу механизм орқали эгасига ҳам, мамлакат иқтисодиётига ҳам фойда келтирмаётган аҳолининг бўш пул маблағларини ресурс сифатида молиявий муассасаларга жалб этишдан иборат эди.

Қонун қабул қилингач, ҳақиқатан ҳам, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб, уларнинг банклардаги омонатлари ҳажми кескин суръатда кўпая бошлади. 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, улар 86 фоиз, ўтган беш йил мобайнида эса 7,4 баробар ўсгани шундан далолат беради.

Бундай сифат ўзгариши нафақат омонатларнинг ўсишида, балки уларнинг таркибида ҳам кузатилди. Мисол учун, 2002 йилда жами омонатларнинг ҳажмида муддатли омонатлар 37,8 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда улар ҳажмининг ўсиши 57 фоизга тенгдир.

Бу, ўз навбатида, банкларда узоқ муддатли молиявий ресурслар шаклланишига сабаб бўлдики, пировардида банкларга ушбу маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига инвестиция қилиш, аҳолининг ўзига истеъмол кредитлари сифатида таклиф этиш имкони яратилди.

— Фонд маблағи ҳисобидан бир омонатчига тўлаб бериладиган пул маблағлари миқдори қанча? У ўзгариб турадими?

— Фонднинг асосий вазифаси, айтайлик, банкдан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олинган тақдирда, фуқароларга уларнинг шу банкдаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаб бериш-дан иборат. Қонунга мувофиқ, Фонд томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бир омонатчига омонатларини тўлаб бериш миқдори республикамизда мавжуд энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига боғлиқ. Яъни омонатлар қолдиғи банкдан лицензия чақириб олинган кундаги ҳолатга кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида бўлса, Фонд маблағи ҳисобидан омонатчига тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаб берилади. Агар омонатлар ҳажми энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан кўп бўлса, ортиқ қисмининг 90 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдоридан зиёд бўлмаган суммада тўланади.

Маълумки, 2006 йилда Президентимиз фармонларига асосан, энг кам ойлик иш ҳақи миқдори икки марта кўпайди. Шу муносабат билан ҳозирда Фонд томонидан бир омонатчига тўлаб бериладиган маблағ миқдори 3105 минг сўмни ташкил этмоқда. Ёки қоплаш суммаси бир йилда 33 фоиз ўсди.

— Агар банк кредитор талаблар суммаси ва омонат суммаси ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

— Республикамизда бир нечта чет эл сармояси иштирокидаги банкдан ташқари яна чет эл банкларининг шўъба шохобчалари ҳам фаолият юритмоқда. Улардаги омонатлар ҳам кафолатланганми?

— Мамлакатимизда ишлаб турган барча банклар, шу жумладан, чет эл сармояси иштирокидаги ва чет эл банкларининг шўъба банкларига аҳолининг бўш маблағларини омонатларга жалб этиш ҳуқуқи берилган. Банклар учун тенг шарт-шароит яратиш мақсадида Қонунда уларнинг Фондга аъзо бўлиши мажбурий этиб белгиланган. Шу боис юртимизда мавжуд барча банклар билан Фонд ўртасида ёзма битим тузилган бўлиб, улар аъзо банклар реестрига киритилган. Бу дегани — улардаги Ўзбекистон, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг миллий ва чет эл валютасидаги омонатлари Фонд томонидан кафолатланган, демакдир.

— Ўтган беш йил ичида Фонд маблағи ҳисобидан аҳолининг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаб бериш ҳолати юз бердими? Мабодо шундай ҳолат юзага келса, Фонд маблағи етарлими?

— Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Фонд ҳисобидан аҳолининг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаб бериш ҳолати фақатгина банк тўлов қобилиятини йўқотиши оқибатида, аниқроғи, ундан банк операцияларини амал-

— Банк тўлов қобилиятини йўқотиб, ундан лицензия чақириб олинган тақдирда, омонатчи ўз омонати бўйича қоплаш суммасини олиши учун кимга мурожат этиши керак? Бунинг учун қандай ҳужжатлар тақдим қилиниши зарур?

— Банк ўзининг тўлов қобилиятини йўқотиши туфайли ундан лицензия чақириб олинса, банкнинг тугатиш комиссияси зарур маблағни сўраб Фондга мурожаат этади. Фонд эса тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда, омонатчиларнинг тўловларини амалга оширувчи агент банкни танлайди ва буни матбуот орқали маълум қилади. Матбуотда эълон чиққач, шу кундан бошлаб ўн кун ичида агент банк фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашни бошлайди.

Шуни унутмаслик керакки, омонатчилар ўз омонатлари бўйича ҳақ олиш учун агент банкка мурожаат қилганларида, ўзларини омонатлари борлигини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини, албатта, тақдим этишлари лозим.

Кўриб турибсизки, ҳар бир фуқаронинг банкдаги омонати қонун асосида Фонд томонидан тўлиқ кафолатланади. Бунга ҳеч кимда шубҳа уйғонмаслиги керак. Кафолатланган омонатлар эса банк мижозларига фақат фойда келтиради.

«Халқ сўзи» мухбири И. ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.

АТ «Пахта банк»

қулай ва ўта фойдали бўлган имтиёзли пластик карталарни таклиф этади!

Имтиёзли пластик карталар «ЁШ ОИЛАЛАР» ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ТАЛАБАЛАРига берилади.

Бунда ушбу пластик карта ҳисобварағига йиллик **18 фоиз** ва **16 фоиз** миқдорида даромад тўланади ҳамда у ойлик асосда капитализация қилинади.

Маълум савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида харид этилган маҳсулотларга пластик карталар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга оширилса, **чегирма (дисконт)** берилади.

Бонус лойиҳаси бўйича сиз савдо шохобчасидан доимий равишда маҳсулот сотиб олсангиз, яъни уни 10 мартадан ортиқ харид қилсангиз, унда тўпланган **бонус** асосида сизга ушбу савдо шохобчаси томонидан чегирма берилади.

Агар сиз пластик картангизга тушган ойлик иш ҳақларингизга ва уларга тенглаштирилган пул маблағларингизга савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчаларида нақд пулсиз харидни амалга оширсангиз, банк сизнинг пластик картангиз ҳисобварақ қолдиқларига тўланадиган фоиз тўловларини йиллик 4 фоиз ҳисобида қўшимча тўлов билан рағбатлантиради.

«Пахта банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг!

«Пахта банк» фаровонлигингиз калитидир!

Қарор ва ижро

Хизмат сафари билан "Пахта банк"нинг Арнасой тумани бўлимида бўлганимизда "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари Рустам Ўтабоевни учратиб қолдик. Суҳбатимиз мавзуси фермер хўжалигининг кўрсаткичлари, унинг иқтисодий аҳволи хусусида бўлди.

ЗАМИНГА САРФЛАНГАН САРМОЯ

тўкин дастурхон манбаи

— Бир неча йилдан бери мустақил равишда иш юритмоқдамиз, — дейди Р. Ўтабоев. — Асосий фаолиятимиз деҳқончилик ҳисобланади. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома режаларини муттасил равишда уддалаб келяпмиз. Натижада олинаётган соф фойда миқдори ҳам йилдан-йилга ортиб боряпти. Ўтган йили қарийб 25 миллион сўмга яқин соф фойда олишга эришдик.

Қўлга киритилган муваффақиятларимизда бизга молиявий хизмат кўрсатаётган "Пахта банк" туман бўлимининг алоҳида улуши бор. Айниқса, давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган пахта ва ғаллага ажратилаётган имтиёзли кредитлар, шунингдек, техника воситалари ёки бошқа пайтда зарур харажатлар учун маблағ сўраб мурожаат қилганимизда банк бизни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келмоқда. Яқинда Германиянинг "Класс Доминатор –130" русумли ғалла ўриш комбайнини узоқ муддатли кредит ҳисобига харид қилдик.

Банк ёрдамида иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётган бундай фермер хўжаликларини нафақат Арнасойда, балки Жиззах вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида молиявий муассаса томонидан Осиё тараққиёт банкининг кредит ресурслари ҳисобидан 16 та "Класс Доминатор — 130" русумли ғалла ўриш комбайни, 11 дона "Т-4А" шудгор, 28 дона "ТТЗ-80-10" русумли чопиқ тракторлари ва бошқа техника воситалари сотиб олинди. Ажратилган кредитларнинг 96 фоизи қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилди. Умуман, техника воситалари харид қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан 581 миллион сўм берилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам пахта ва ғалла етиштирувчи фермерларга техника воситалари харид қилиш учун кредит маблағлари ажратиш давом этмоқда. Шу кунгача 38 дона "ТТЗ-80" русумли чопиқ, 36 дона "МТЗ-80" русумли ҳайдов трактори, 9 дона Германиянинг "Класс Доминатор — 130" русумли дон комбайни сотиб олиш учун кредит берилди. Техника воситалари олиш мақсадида ажратилган маблағларнинг миқдори 2938,8 миллион сўмни ташкил қилди.

Фермерларга етарли шарт-шароит яратиш, уларнинг узоғини енгил қилиш учун туманлар марказидан узоқ ҳудудларда 43 та мини банк очилган бўлиб, ҳозир улар фаолият юритяпти. Эндиликда фермерларга мини банклар барча турдаги молиявий хизматларни кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги "Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан бюджетдан ташқари жамғармалардан дастлабки сармояни шакллантириш учун 68 та фермер хўжалигига 89 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Ҳозир жорий йилда етиштириладиган пахта ва ғалла учун имтиёзли кредит маблағларини бериш давом этмоқда. Айни пайтда молиявий муассаса 6313 фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда. Фермерлар иқтисодий жиҳатдан ҳам юксалиб бормоқда. Улар кўпчилиги банкнинг акциядорлари ҳам ҳисобланади. Масалан, Дўстлик туманидаги "Семурғ", "Шаҳбоз", Арнасой туманидаги "Турон" ва "Лочин" фермер хўжаликларининг ҳар бирида қиймати 500 минг сўмга яқин акциялар мавжуд.

— Биз банк акциялари ҳисобига ҳар йили юқори фоизда дивиденд оламиз, — дейди Дўстлик туманидаги "Семурғ" фермер хўжалиги раҳбари Эркин Ғайбуллаев. — Акциялар баракаси, албатта, банкнинг қандай фаолият кўрсатишига ҳам боғлиқ. "Пахта банк" бошқармаси вилоятимиздаги етакчи молиявий муассасалардан

Жорий йилнинг ўтган давр-ида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш давом этмоқда. Хусусан, банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан 84 та кичик корхонага 265,1 миллион сўм, бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан эса 329,5 миллион сўм берилди. Натижада ўнлаб иш ўринлари ташкил этилди.

Пировардида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар-



тиёзли кредитлар ажратиляпти. Масалан, ўтган давр-да банк томонидан турли жамғармалар ҳисобидаги 190 та шахсий ёрдамчи хўжаликка 127,8 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит берилган бўлса, молиявий муассасанинг ўз ресурслари ҳисобига ажратган маблағи 449,1 миллион сўмга тўғри келиб, унга 300 бошдан ортиқ чорва моллари сотиб олинди.

Умуман Қарор ижроси бўйича 1200 бошдан зиёд қорамол кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга берилди. Бундан ташқари чорва моллари-га етарли даражада ветеринария хизматлари кўрсатиш мақсадида жойларда 6 та ветеринария пункти ташкил этилиб, уларни жиҳозлаш ва зарур препаратлар сотиб олиш учун 10,2 миллион сўм кредит ажратилди.

— Мақсадимиз кўрсатилаётган молиявий хизматлар турини янада кўпайтириш, мижозларга қулайликлар яратиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир, — дейди банкнинг вилоят бошқармаси бошқарувчиси Зафар Эргашев. — Айниқса, қишлоқ хўжалигида асосий маҳсулот етиштирувчи ҳисобланган фермерларнинг кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча имкониятлардан фойдаланяпмиз.

Биз мижозларга кредит ажратишдан ташқари, аҳоли манфаатларини ҳам кўзлаб иш юритяпмиз. Хусусан, ҳам одамларга, ҳам банкка фойдали бўлган бир неча омонат турлари жорий этилганлиги боис, фуқароларнинг омонатга пул қўйиши кўпаймоқда. Масалан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, омонатчилар сони 8090 нафарни ташкил этиб, улардан банкка жалб этилган маблағлар миқдори эса 2473,5 миллион сўмни ташкил этади.

Молиявий муассаса фаолияти билан танишиб, унинг иқтисодиёти ҳам мустаҳкамланиб бораётганлигига гувоҳ бўлдик. Буни унинг кредит қўйилмаларининг ошиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмаси 16367,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2005 йилга нисбатан 1,8 фоиз ўсишга эришилди. Шундан ўтган йили берилган кредитларнинг 7913,3 миллион сўми қисқа муддатли, 7383,3 миллион сўми эса узоқ муддатли ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, жиззахлик фермерларнинг эришаётган ютуқларида "Пахта банк" вилоят бошқармасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Банк фермерларга нафақат молиявий хизмат кўрсатади, балки уларнинг мададкори ҳам ҳисобланади. Буни уларнинг мўл маҳсулот етиштираётганликларида ва иқтисодиётининг мустаҳкамланишида ҳам кўриш мумкин.

Ҳосил КАРИМОВ.



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг

«Аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ

2007 йил 8, 15, 22 май кунлари

Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида соат 12.00 да аукцион савдоларини ўтказади. Аукцион савдоларига:

Наманган вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 16-0405-4856-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 149-«А» уй манзилида жойлашган «Атлас» АЖнинг асосий воситалари ҳамда мулклари мужассам ҳолда қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 11 760 000 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида закалат пули тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, ушбу мулк белгиланган савдолар кунида сотилмаган тақдирда, ҳар ҳафтанинг сешанба куни аукцион савдоларига қайтадан қўйилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ !

«KAFOLAT RIELT» МЧЖнинг

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2007 йил 4 ва 11 май кунлари соат 14.00 да

Ўзбекистон банклари ассоциацияси Фарғона вилояти муассасаси биносида очиқ танлов савдолари ўтказади.

Танлов савдосига «Фарғона суньий чарм заводи» ОАЖнинг кредиторлар қўмитаси томонидан тақдим этилган Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, «Химиклар» кўчаси, 3-уй манзилидаги «Фарғона суньий чарм заводи» ОАЖ мулкий мажмуа сифатида сотувга қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 2 517 000 000 (икки миллиард беш юз ўн етти миллион) сўм.

Танлов шартлари:

1. Танлов таклифида бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари.
2. Сотув объекти бўйича харид нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.
3. Ишлаб чиқарилиши кутилаётган маҳсулот режаси, ассортименти ва унинг рақобатбардошлиги, хомашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.
4. Мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара бўйича таклиф.
5. Сотув объекти бўйича молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари бўйича таклиф.
6. Бино ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми бўйича таклифлар.
7. Тўлов қобилияти тўғрисида банк маълумотномаси.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «KAFOLAT RIELT» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ЎзР ТИФ МБ Фарғона бўлимидаги МФО 00493, ИНН 205669645, ОКОНХ 84200, 22622000804406764001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Танлов шартлари бўйича таклифлар, муҳрланган конвертда икки нусхада топширилиши лозим. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, телефонлар: (373) 226-45-48, (373) 226-95-98.

МАГАЗИН-САЛОН "Умный Дом"



- Учрежденческие и мини-АТС
- Системы видеонаблюдения
- Системы контроля доступа

Тел.: 138-9999, 137-2988 Факс 137-2977
www.setko.uz Товар сертифицирован

Российский линолеум

Обои виниловые

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш заруряти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ташкил этилганлигининг ўн беш йиллигига бағишланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ

Мустақиллик йиллари давомида яратилган интеллектуал мулкнинг энг яхши объектига (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси) республика танловини эълон қилади.

Танловда
- Ихтиро, фойдали модель;
- Саноат намунаси;
- Селекция ютуқлари;
- ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси

бўйича интеллектуал мулк объектларини яратувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танлов ғолиблари пул мукофотлари, рағбатлантирувчи совринлар, дипломлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланади.
Танловда иштирок этиш учун аризалар 2007 йилнинг 1 апрелидан, 1 июлигача бўлган муддатда шанба ва якшанба кунларидан ташқари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 100047, Тўйтепа кўчаси, 2- «А» уй.
Танлов шартлари билан Давлат патент идорасида ва қуйидаги манзил бўйича http://www.patent.uz/ интернетда танишиш мумкин.

Ташкилий қўмита.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4х4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

НАВОИЙ ДАҲОСИ

АҚШда ўтказилган халқаро анжуманнинг бош мавзусига айланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

эгаллаб туриши эътироф этилди. Олимлар ҳазрат Навоийнинг жаҳон адабиёти ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшганини қайд этган ҳолда айнан унинг асарларида туркий тил шеърият санъатининг чўққиси забт этилганига урғу беришди. Алишер Навоий эски ўзбек тилининг маданий ва бадиий аҳамиятини назарий жиҳатдан тўла асослаб берди. Навоий ижоди нафақат ўзбек адабиёти, балки барча туркий халқлар адабиёти тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатди.

Асосий маърузалардан сўнг бўлиб ўтган мунозаралар чоғида буюк шоир ва давлат арбобининг сўнмас меросининг аҳамияти тўғрисида кўплаб илиқ, самимий ва ҳаққоний фикрлар билдирилди. Олим ва мутахассислар Навоий ижоди ва у яшаган даврни кенг тарихий-маданий, цивилизацион ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан атрофлича кўриб чиқдилар. Симпозиум қатнашчилари Навоий даҳоси ўзида ўзбек халқи ҳамда Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилувчи бошқа халқлар маданий ва маънавий ҳаётининг юксалиши ҳамда гуллаб-яшнашини яққол ифодалаб бергани тўғрисида якдиллик билдирдиларки, Темурийлар бошқаруви даврида «Ўрта асрлар Шарқ уйғониши» ўз чўққисига кўтарилди.

Анжуман ва унинг аҳамияти хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашар экан, **АҚШ Конгресси кутубхонасининг Яқин Шарқ тадқиқотлари департаменти раҳбари М.Диб** Навоийга бағишланган халқаро анжуман Конгресс кутубхонаси учун ҳам, буюк шоирнинг илмий-маданий меросини тадқиқ этиш билан шуғулланаётган АҚШ илмий доиралари вакиллари учун ҳам ғоят муҳим воқеа бўлганига эътибор қаратди.

— Навоийдек беқиёс мутафаккир ва ижодкорлар нафақат ўзи яшаган тарихий давр маданий тараққиётига, балки умуминсоният миқёсидаги илмий тафаккур ривожига ҳам улкан таъсир кўрсатади, — деди у. — Конференция Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс маънавий ва илмий-маданий ҳиссасини намоён этиш учун ҳам имкон берди.

Вашингтон университети профессори, машҳур **туркийшунос олим Э.Сиртаутас хоним** дунёнинг ҳеч бир мамлакатида ўз шоирларига Ўзбекистондагидек ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмайди, деб алоҳида таъкидлади.

— Ҳаттоки Буюк Британияда ҳам Шекспир Ўзбекистонда Алишер Навоий эътибор қозонганидек шуҳрат топган эмас. 1991 йилда Ўзбекистонда ҳазрат Навоийнинг 550 йиллик таваллуд тўйи кенг нишонланди. Айнан шу йили Ўзбекистон узоқ кутилган мустақилликни қўлга киритди. Навоий мустақил давлатнинг илк рамзи бўлди. Буюк Темур билан бир қаторда Навоий Ўзбекистоннинг мустақиллик сари интилишларининг маънавий ифодачиси ҳисобланади, — деди Сиртаутас хоним.

Олима, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ўзбек халқи тарихий-маданий меросини, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этилишини қўллаб-қувватлашга қўшаётган салмоқли ҳиссасига эътибор қаратди.

Ўзбекистон етакчисининг ўз халқи ғурури ва миллий ўзлигини англаш туйғуларини мустаҳкамлаш муҳимлиги тўғрисидаги фикрлари ҳаққонийлигини эътироф этар экан, Э.Сиртаутас президент тутган йўналиш мустақил тараққиёт йўли бошида турган Ўзбекистон халқига мустамлака ва шўролар тузумидан қолган оғир меросдан халос бўлиш имконини берди, деди.

Калифорния университети профессори, Ғарбнинг кўзга кўринган навоийшунос олимларидан бири А.Бодроглигети фикрича, Навоий мероси уни сақлаш, ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш учун улкан масъулият юклайди.

— Ўзбекистон бугун бу муқаддас мажбуриятни муносиб тарзда уддасидан чиқмоқда, — деди олим. — Мен сўнгги йилларда Навоий ижоди ва ҳаётини ўргандим. Унинг адабий меросидан Европа ва Американинг турли университетларида сабоқ бердим. «Фарҳод ва Ширин»ни Европанинг қатор тилларига таржима қилдим. Таъкидлашни истардимки, Навоийни қанча кўп ўқиган киши маънавий жиҳатдан шунчалик бойиб, камолотга эришиб боради. Сайёрамизда тоғлар орасида энг баланд чўққи Эверест бўлса, шоирлар ичра энг юксаги ҳазрат Навоийдир.

Анжуман ишида **«Темурийлар даври маданияти ва санъатини ўрганиш бўйича уюшма»нинг ҳамраиси, франциялик тарихчи-шарқшунос Ф.Брессан хоним** ҳам фаол иштирок этди. У Ўзбекистон қадим замонлардан буён илм-фан ва санъати ривожланган мамлакат бўлганини алоҳида таъкидлади.

— Ўйлайманки, ўзбек халқи вакилларининг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида янада кенгроқ билиб олиш Ғарб учун жуда фойдали бўлур эди, — деди Ф.Брессан. — Мен мамлакатдаги улкан илмий-маданий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича Ўзбекистонда қабул қилинаётган чора-тадбирларни юксак баҳолайман. Бу айниқса, мамлакат ёшлари учун жуда муҳимдир. Зеро, ёш авлод улар қандай буюк ва кўҳна маданият вакиллари эканликларини билишлари ва фахр-ифтихор ҳисларини туйишлари лозим.

Конгресс кутубхонаси етакчи эксперти, ўрта асрлар Шарқ қўлёзмалари бўйича таниқли америкалик мутахассис И.Фарҳодий жаҳон цивилизацияси тараққиётида ўзбек халқи ҳиссасини юксак баҳолади.

— Ўзбекистон бойлиги — унинг буюк тарихида, улкан илмий-маданий салоҳияти ва ўзига хос халқ эканлигидадир, — деди у. — Бугун Ўзбекистон маданият, санъат ва илм-фаннинг йирик марказларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тадбир давомида АҚШнинг «AuthorHouse» нашриёти томонидан нашр этилган Навоий ижодининг инглиз тилидаги илк таржимаси — «Лисон-ут Тайр» («Қуш тили») асарининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унинг чоп этилишига кўмак кўрсатган **«AmRus Ventures» компанияси президенти Д.Родхиверн**нинг айтишича, АҚШ ва Буюк Британияда ўзбек маданий меросини оммалаштириш лойиҳасида ўзи иштирок этганидан фахрланади.

Симпозиумда, шунингдек, **«Ўзбекистоннинг дўстлари»** жамиятининг вакиллари ҳам қатнашди. Мазкур ташкилот **президенти П.Роберте** фикрига кўра, ушбу халқаро анжуман жуда ноёб ҳодиса бўлди.

— Жаҳондаги энг йирик кутубхонада буюк ўзбек шоири ва мутафаккири меросига бағишланган нуфузли конференция илк бор ўтказилмоқда, — деди у ўз хурсандчилигини яшира олмай. — Ўзбекистоннинг бу қадар беқиёс цивилизация салоҳиятини кашф этиш АҚШ учун фақат фойдали бўлур эди.

Тадбир доирасида АҚШ Конгресси кутубхонасида Ўзбекистоннинг илмий, маданий ва цивилизация салоҳиятини ўзида мужассам этган китоблар ва қадимий қўлёзмаларнинг катта кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кутубхона коллекциясида XV-XVI асрда битилган Навоий асарлари манискрипт саҳифалари, шунингдек, ўзбек классик адабиётининг нодир нашрлари намойиш этилди.

«Жаҳон» АА.
Вашингтон.

Қўнғирот замини достони



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир ва журналист Янгибой Кўчқоров қаламига мансуб "Қўнғиротнома" деб номланган достоннинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимот

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, республика ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, мазкур достоннинг ижтимоий аҳамияти, муаллифнинг адабий муҳитдаги фаоллиги хусусида батафсил тўхталди.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Янгибой Кўчқоров "Халқ сўзи" газетасининг муҳбири сифатида бу ердаги ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиб келаётган ижодкор. Ушбу достонда қардош халқ солномасида катта из қолдирган Қўнғирот заминининг тарихи ва бугунги куни акс эттирилган. Шунингдек, қадимий ва навқирон элнинг ўтмиши билан биргаликда мустақиллик туфайли тобора яшнаб бораётган Қўнғиротдаги ўзгаришлар ҳам маҳорат билан қаламга олинган.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид ва бошқалар достон ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

Спорт • Sport Спорт • Sport

Ўзбекистонлик шахматчилар учун Наврўз шодиёналари қутлуғ келди. Айём кунларида Республика шахмат клубининг капитал таъмирланган биноси фойдаланишга топширилди. Клуб шахмат федерацияси томонидан замонавий "Стаунтон" шахматлари, "Фишер" соатлари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди.

Республика шахмат клуби янги биносининг расмий очилиш маросимида жаҳоннинг 17- чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам қатнашиб, мажмуада дунёнинг кўп мамлакатлари шахмат мухлислари орзу қилиши мумкин бўлган шароитлар вужудга келганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

Шахмат

УСТОЗИДАН ЎЗГАН ШОГИРДЛАР

Энг эсда қоларлиси, шу куни мажмуада илк расмий мусобақа уюштирилди. Биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган I-"Тошкент — Опен" халқаро турнирида дунёнинг еттита давлатидан келган 100 нафарга яқин шахмат усталари ғолиблик учун дона сурдилар.

Иштирокчилар орасида саккиз нафар халқаро гроссмейстер, тўрт нафар халқаро спорт устаси, саккиз нафар ФИДЕ спорт устаси бўлганлиги мусобақаларнинг муросасиз ўтишини таъминлади.

Қизиқарли, кескин ва муросасиз ўтган беллашувда бирйўла уч шахматчи — қирғизистонлик халқаро гроссмейстер Леонид Юртаев, самарқандлик халқаро гроссмейстер Марат Жумаев ва тошкентлик халқаро спорт устаси Сергей Қаюмов 9 имкониятдан 7 тадан очко жамғариб, 1-3 ўринларни банд этишди.

— Мен Георгий Аъзамов билан кўплаб мусобақаларда дона сурганман. Унинг маҳоратига Анатолий Карпов, Гарри Каспаров ва Вишванатан Ананд каби буюк шахматчилар тан берганликларига бир неча бор гувоҳ бўлганман, — дейди Леонид Юртаев.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро турнир мамлакатимиз ёш шахматчилари учун маҳорат мактабини ўтади.

— Ҳатто, улар ўзларининг ишончли ўйинлари билан тажрибали шахматчиларни ҳам ошириб қўйишди, — дейди шахмат бўйича спорт устаси, республика Шахмат федерацияси матбуот котиби Акром Тошхўжаев. — Айниқса, эндигина 15 ёшни қаршилаган самарқандлик Хуршид ва Жамшид Мустафоевларнинг ўйинлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Тошкентлик Улуғбек Тиллаев ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Мусобақа якунлангач, собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бирйўла 25 та доскада ёш шахматчилар билан сеанс ўтказди. Шулардан иккитаси қутилмаган натижа билан якунланди. 2006 йилда ўқувчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган тошкентлик 13 ёшли спорт устаси Раҳматжон Раҳимов ва фарғоналик спорт усталигига номзод Ҳулкар Тоҳиржонова собиқ жаҳон чемпиони устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлишди. Шунингдек, бешта ўйинда дуранг натижа қайд этилди. Қолган ўйинларда Қосимжонов зафар қучди. Бу Ўзбекистонда кўплаб ёш, умидли шахматчилар етишиб чиқаётганидан дарак беради.

Яна бир гап. Келгусида ташкилотчилар "Тошкент — Опен" халқаро турнирини ҳар йили анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ТЕРМИЗ ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАЙДИ

Сурхон воҳаси яна дунё полвонларини ўзига чорламоқда. 12-14 апрель кунлари Термиздаги "Алпомиш" марказий стадионида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий VIII Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнири ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ёдингизда бўлса, Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирига 1993 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан асос солинганди. Илк турнир ғолиблигини ҳамюртимиз Ўрол полвон Тўраев қўлга киритган. Рустам Эргашев, Эрали Маҳмарасулов, Тоштемир Муҳаммадиевлар эса кейинги турнирларда бош соврин соҳиби бўлишган. Сўнгги 2001, 2003, 2005 йиллардаги мусобақалар ғолиблигини бойсунлик полвон Абдулла Тангриев ҳеч кимга бермай келаяпти. Турли йиллар давомида турнирга ташриф буюрган Карлос Хонорато, Селим Тотар ўғли, Саид Хусрави Нежад, Али Реза Саиё, Гиэдис Алехандер каби дунёнинг алп полвонлари ўзларининг чиройли олишувлари билан халқимиз кўнглидан муносиб жой олган.

Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, саккизинчи бор ташкил этиладиган халқаро турнирда Польша, Туркия, Греция, Исроил, Жанубий Африка Республикаси, Бразилия, Эрон, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Макао каби жами 30 га яқин мамлакатдан полвонлар иштирок этиши кутилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ОТ — ЙИГИТНИНГ ЙЎЛДОШИ

Халқимизда «От — йигитнинг йўлдоши», деган гап бор. «Нексия», «Матиз», «Дамас» каби тезюрар машиналар йўл танобини тортиб турган ҳозирги даврда от транспорт воситаси сифатида мавқеини йўқотгандай. Лекин шу табиат қўйнида от инсоннинг дўсти бўлиб қолаверади.

Қадриятларимиз

Яйловда яйраб юрган йилқилар суруви, осмонга сапчиган айғир, минги бўлаётган той, югурик қулунни кўрганда ҳар қандай одамнинг ҳам кўзи қувонади.

Отнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб берадиган, йигитнинг шерюрагу қоплон билагини кўз-кўз қиладиган кўпкарини айтмайсизми? Улоқни тўдадан айириб чиққан чавандознинг шижоати от минган йигитнинг нималарга қодирлигига жонли мисол бўла олади.

Яккабоғ туманининг тоғ ён бағридаги Қайрағоч қишлоғида бўлган чавандозлик байрами шундай ўтди. Бу жойлар табаррук гўша. Бир вақтлар Сохибқирон Амир Темур бу адирларда от сурган. Йигитлари билан чавандозлик кўриклари ўтказган. Айниқса, зафарли юришлардан сўнг берилган кўпкари базмлари ҳақида яхши хотиралар сақланиб қолган. Сохибқирон Ҳисор тоғ тизмалари қўйнидаги машҳур Амир Темур ғорига боришда ҳам шу адирлардан ўтган.

Бугун бу кенгликларда катта сайил. Сохибқирон Амир Темурнинг таваллуд кунига бағишланган от спорти байрами. Катта кўпкарини эшитиб, кўшни Самарқанду Сурхондарёдан ҳам чавандозлар келишган. Мусобақалар пойга билан бошланди. Тезкор отлар баҳсида Дилмурод Ўроқовнинг «атаман» лақабли оти илдамлик қилди. Суяги қотган тулпорлар пойгасида Маъдулла Нормуродовнинг оти маррага биринчи бўлиб етиб келди. Кейин «Қашқадарё-1» ва «Қашқадарё-2» жамоалари ўртасида «Қозон ўйини» бўлди. Байрам росмана кўпкари билан ниҳояси етди.

Мусобақаларда яккабоғлик чавандозларнинг қўли баланд келди. Бунинг боиси от спорти байрамининг шу туманда ўтказилганлигида эмас, албатта. Бу ерда отни севадиган, отни улуғлайдиган, ўзини «сен» деб, отини «сиз» дейдиган чавандозлар кўп. Яқин ўтмишда отлар қувғин қилиниб, не-не юлдузни кўзлаган тулпорлар гўштга топширилиб юборилганда ҳам Ҳисор тоғи этакларидаги бу гўшаларда сурув-сурув йилқи боқилган. Мамлакатимиз ҳудудида машҳур қорабайир зотли отларнинг сақлаб қолинганлигида яккабоғликларнинг, хусусан илгариги «Ҳисор» наслли отчилик хўжалигига қарашли бўлган Қайрағоч қишлоқ аҳолисининг ҳам хизмати катта. Шунинг учун ҳам бу ерда қирадирларни гумбурлатиб от чоптирган чавандозлар ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ҳатто «Нексия»га ҳам алмашдирмайдиган оти бор одамларга ҳамма ҳавас қилади.

Дарвоқе, ширкат хўжаликлари ўрнига фермерлик пайдо бўлганидан бери қишлоқларда от миниш яна расм бўлаяпти. Яқинда Жийда қишлоғидаги Дўсман бобо билан мулоқотда бўлдим. Ёши саксондан ошган бобо машинадан отни афзал кўради. Икки ўғли фермер. Экин ерлари қишлоқдан анча нарида. Иш қизғин пайтларда отда дала айланади. Ёшлигида улоқчи отларнинг жиловини тутиб, чавандозлик қилган, кейинроқ, пахтачилик бригадасига бошлиқ бўлган эмасми, ҳам йўрғанинг йўртишидан, ҳам даладаги ҳосилнинг чўғидан завқ олади. Инқилобдан кейин отаси Аҳмад Амин қулоқ қилиниб ерлари тортиб олинган эди. Энди бу ерларга ўғиллари Абдуғофур, Зариф эга бўлганидан, ниҳоят адолат юзага чиққанлигидан қалби ғурурга тўлади. «От минган одам ерга яқин бўлади, бу далани машинада айланиб бўлмайди», дейди у. Балки шунинг учун ҳам бу хонадонда ҳовлидаги автоуловлардан от эъзозлироқдир.

Халқаро Амир Темур жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган от спорти байрами баҳона кўнгил қатида тахланиб ётган мулоҳазаларни қоғозга туширдик. Миллий қадриятларимизнинг ўзига хос жиҳати бўлган чавандозлик, кўпкари ҳақидаги бу фикрлар шу байрамнинг ҳар бир иштирокчиси кўнглидан кечган бўлса, не ажаб. Жамғарманинг вилоят бўлими раиси, шоир Исмоил Тўхтамишев бу мусобақани ташкил этиш учун елиб-югурганида буюк аждодимиз Сохибқирон Амир Темурнинг ҳурматини бажо келтириш билан бирга бизнинг қалбимизда халқимизнинг эзгу анъаналари, бебаҳо қадриятларимизга бўлган меҳрни бир қадар кучайтиришни ҳам ният қилгани, шубҳасиз. Кўпкарига, байрамга тумонат одам йиғилганлиги, мусобақаларнинг чинакам байрамга айланиб кетганлиги эса халқимизнинг анъаналарга содиқлигидан, Буюк Сохибқиронга ҳурмати баландлигидан, орзу-ниятларининг уйғунлигидан далолатдир.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЕВРО — 2008»: ЧИПТА КЕРАКМИ?

2008 йилда ўтказиладиган Европа чемпионати ташкилий қўмитаси аъзоларининг боши қотган.

Гап шундаки, қитъа чемпионати финал ўйинлари чиптасига талаб жуда юқори. Ҳозиргача ишқибозларга бор-йўғи 346 минг дона чипта юборилган.

Талаб катталигини ҳисобга олиб, ташкилотчилар чипталар тарқатишни лотерея орқали аниқлашга мажбур бўлишмоқда. Лотереялар чайқовчилар қўлига тушиб қолмаслиги учун бу жараённи УЕФА мутасаддилари қаттиқ назорат остига олишади. Лотерея натижалари ой охирида эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йил бошида ташкилотчилар яна 399 минг дона чиптани тарқатишни режалаштиришмоқда. Бу чипталар Европа чемпионатида қатнашадиган мамлакатлар футбол ассоциацияларига берилади.

Жамшед ТОҒАЕВ.

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001
Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.
Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.
Компания мижозлари:
• «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
• «Муборакнефтгаз» УШК
• «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
• «Қашқадарёгазсаноаткурилиш» ОАЖ
• «Rubicon Wireles Communication» КК
• «УзДонгВон КО» ҚК
• «UZEXIDE» КК
• «АВТООЙНА» ОАЖ
• «ТАТ-Реестр» МЧЖ
• «Vinlad» ИИК ва бошқалар.
Тел.: (+998371) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98.
Факс (+998371) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси хорижий тиллар кафедраси доценти Гулнора Турсуновага акаси
Содир ТУРСУНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмитанинг масъул ходими Баҳодир Юнусовга отаси
Тўлқун ТОШМАТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси «УЗИ-Қарши» филиали директори Жуманазар Бозоровга падари бузруквори
САМАНДАР отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Асака» Давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси Ғазначилик департаментининг бошқармаси бошлиғи Азиз Икромовга падари бузруквори
Рустамбек ИКРОМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 1 2 3 5 6